

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича  
судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг

Ҳ У К М И

2023 йил июль ойининг 4 куни, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг биносида, апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлисида, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судьяси Б.Турдиевнинг раислигида, ҳайъат судьялари Ф.Қамбарова ва А.Элмуродовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Омоновнинг котиблигида, тарафлардан: Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори А.Жабборов, судланувчи Ш.С. ва унинг ҳимоячиси-адвокат Т.Носировнинг иштирокида, суд ҳукми устидан судланувчи Ш.С.нинг ҳимоячиси-адвокат Т.Носиров томонидан берилган шикоят ҳамда Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари томонидан билдирилган протест 1-1801-2302/206-сонли жиноят иши ҳужжатлари билан кўриб чиқилиб, қуйидагилар

а н и қ л а н д и :

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2023 йил 6 июндаги ҳукмига асосан:

С.Ш.Ф, 1985 йил 8 мартда Қарши шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, судланмаган, Қарши шаҳридаги “Hududgaz Qashqadaryo” газ таъминоти филиали хўжалик бошқаруви бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган, Қарши шаҳар “А.Навоий” МФЙ, Гулмасжид кўчаси, 14-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида гаров қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан 2 йил озодликни чеклаш жазоси, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 2 йил 1 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2023 йил 7 июндаги ажримига асосан, суд ҳукмининг қарор қисмига аниқлик киритилиб, Ш.С.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 1 йил давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан



махрум қилиниб, сутканинг кеч соат 21:00 дан эрталаб соат 6:00 га қадар Қарши шаҳар “А.Навоий” МФЙ Гулмасжид кўчаси 14-сонли яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда 2 йил 1 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланиши белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш.С. “Hududgaz Qashqadaryo” газ таъминоти филиали хўжалик бошқаруви бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан фойдаланиб, Қарши шаҳар “Қавали” МФЙ Соғлом авлод кўчаси 22-уйда яшовчи Ҳайдарова Дилфуза Холбоевнинг уйида табиий газдан фойдаланганлиги учун 4.600.000 сўм миқдоридagi қарздорликни “Hududgaz Qashqadaryo” газ таъминоти филиалида ишловчи мансабдор шахслар орқали йўқ қилиб бериш эвазига Д.Ҳайдаровадан 300 АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилиб, уни алдаб, пора беришга далолат қилиб, 2023 йил 20 январь куни “Hududgaz Qashqadaryo” газ таъминоти филиали биносида Д.Ҳайдаровадан 100 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олиб, қолган 200 АҚШ долларини ҳам беришини талаб қилганида, Д.Ҳайдарова табиий газдан фойдаланганлиги учун ҳосил бўлган қарздорлигини қонуний тарзда ўзи тўлашини маълум қилиб, 2023 йил 17 февраль куни ўтказилган тезкор тадбирда, Ш.С. Д.Ҳайдарованинг табиий газдан фойдаланганлик учун ҳосил бўлган қарздорликни йўқ қилиб бериш эвазига олган 100 АҚШ долларини “Hududgaz Qashqadaryo” газ таъминоти филиали қоровули Еркуллов Латип Маматкулович орқали қайтариб берган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган.

Адвокат Т.Носиров шикоятда, Ш.С.га ЖКнинг 45-моддасига асосан тайинланган давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини бекор қилишни сўраган.

Протестда, биринчи инстанция суди томонидан Ш.С.га ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан асосий жазо билан бирга ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бир вазиятда, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи бўйича қўшимча жазоси тайинланмасдан, хатога йўл қўйилганлиги сабабли, суд ҳукмини бекор қилиб, асосий жазо билан бирга жиноятлар мажмуи бўйича қўшимча жазосини ҳам тайинлаш сўралган.

Апелляция инстанцияси суди иш бўйича судья А.Элмуродовнинг маърузасини, судланувчи Ш.С. ва унинг ҳимоячиси-адвокат Т.Носировнинг шикоятни қаноатлантириб, протестни рад қилиш, прокурор А.Жабборовнинг протестни қаноатлантириб, шикоятни рад қилиш ҳақидаги музокара сўзларини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган вазиятларни жиноят иши ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасида, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита алоқалиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида



тайинланганда бир йилдан беш йилгача муддатга, қўшимча жазо тариқасида тайинланганда бир йилдан уч йилгача муддатга тайинланиши, агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкинлиги;

ЖК 57-моддасида, суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкинлиги;

ЖК 59-моддасида, шахс Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 39-бандида, қонун санкциясида назарда тутилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида фақат Жиноят кодексининг тегишли моддаси (қисми, банди) бўйича ЖК 57-моддаси қўлланилиб тайинланган узил-кесил жазо чораси кўрсатилиши лозим бўлиб, енгилроқ жазо қўллаш сабаблари ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатилиши кераклиги;

40-бандида, қўшимча жазо чораларининг янги жиноятлар содир этилиши олдини олишда катта аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, судларга ҳукм чиқариш пайтида асосий жазо билан бирга тегишли қўшимча жазоларни қўллаш масаласини ҳам муҳокама қилишлари тавсия қилиниши, 45-бандида, ЖКнинг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги;

46-бандида, бир неча жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахсга нисбатан қўшимча жазо тури ва миқдори асосий жазо сингари ҳар бир ҳаракат учун алоҳида, сўнгра эса жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил тайинланиши лозимлиги;

50-бандида, Жиноят кодекси 59-моддаси ва Жиноят-процессуал кодекси 468-моддасида белгиланган суднинг ҳар бир жиноят учун алоҳида жазо тайинлаб, сўнгра жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо



белгилаши шартлиги тўғрисидаги талаблар ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо тайинлашга тааллуқлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Гарчанд, биринчи инстанция суди иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб, тўпланган далилларга объектив баҳо бериб, судланувчи Ш.С.нинг жиноий ҳаракатини ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди ва 28,211-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилган бўлса-да, юқорида қайд қилинган Қонун талаблари ҳамда Олий суд Пленуми қарорининг тушунтиришларига тўлиқ амал қилмасдан, унга нисбатан жазо тайинлашда хатога йўл қўйган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг санкциясида бошқа жазолар сингари икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди Ш.С.га ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖК 57-моддасини қўлламаган ҳолда қонун санкциясида назарда тутилганидан ҳам камроқ, бир йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, хатога йўл қўйган.

Бундан ташқари, биринчи инстанция суди Ш.С. мазкур жиноятни хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этганлигини эътиборга олиб, унга нисбатан ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаган ҳолда 1 йил давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазони тайинлаган бўлса-да, ЖКнинг 59-моддаси талабига кўра, ушбу қўшимча жазони жиноятлар мажмуи бўйича тайинламасдан, жиноят қонуни нормаларини нотўғри қўллаган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди 2023 йил 7 июндаги ажримига асосан, суд ҳукмининг қарор қисмига аниқлик киритиб, Ш.С.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 1 йил давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, сутканинг кеч соат 21:00 дан эрталаб соат 6:00 га қадар Қарши шаҳар “А.Навоий” МФЙ Гулмасжид кўчаси 14-сонли яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда 2 йил 1 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланишини белгилаб, юқори суднинг ваколатига кирадиган ҳамда ЖПКнинг 541-моддаси предмети ҳисобланмаган масалани ҳал этиб, хатога йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>19</sup>-моддасида, Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги суд ҳукмини бекор қилиш учун асос бўлиши;

ЖПКнинг 497<sup>23</sup>-моддасида, Жиноят кодекси Умумий қисми моддалари талабларининг бузилганлиги, шунингдек, маҳкумга Жиноят кодексининг мазкур моддасида назарда тутилмаган жазо тури ва меъёри тайинланганлиги Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилиши

5 эътироф этилиши;



ЖПКнинг 497<sup>29</sup>-моддасида, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилишга ва маҳкумга нисбатан жазони кучайтирган ёки унга эълон қилинган айблов доирасида оғирроқ жиноятга оид қонунни қўллаган ҳолда янги айблов ҳукми чиқаришга ҳақли эканлиги, апелляция инстанцияси суди томонидан биринчи инстанция судининг айблов ҳукми маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирган ҳолда бекор қилиниши фақат прокурорнинг протестига ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг шикоятига кўра янги ҳукм чиқариш орқали амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 60-бандида, ҳар бир қилмиш учун алоҳида жазо тайинламасдан туриб жиноятлар мажмуи бўйича жазо белгиланиши ёки алоҳида жиноятлар учун жазо тайинланиб, жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинланмаслиги ёхуд тайинланган жазога илгариги ҳукм бўйича тайинланган ва судга маълум бўлган жазонинг ўталмаган қисми қўшилмаслиги жиноят қонуни нормаларининг нотўғри қўлланилиши сифатида баҳоланиб, ҳукмнинг бекор қилинишига олиб келиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Қайд қилинганларга кўра, апелляция инстанцияси суди, биринчи инстанция судининг ҳукмини ҳамда ҳукмда юзага келган ноаниқликни бартараф қилиш ҳақидаги ажримини бекор қилишни, Ш.С.га Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан қонун санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган ҳар-хил турдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, муайян тақиқ (чеклаш)ларни юклашни, ЖК 61-моддасининг 2-қисмига асосан жазоларнинг ҳар қайсисини алоҳида ижро эттиришни, судланувчига нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини бекор қилиб, депозит ҳисоб рақамига гаров пули сифатида топширилган 6.000.000 сўмни Ш.С.га қайтаришни, ашёвий далилларни иш билан бирга сақлашни, протестни қаноатлантиришни лозим топди.

Шунингдек, апелляция инстанцияси суди шикоятдаги судланувчи Ш.С.га нисбатан тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини бекор қилиш ҳақидаги важлар билан келишмади.

Чунки, Ш.С. бевосита иш фаолияти билан боғлиқ ҳолда жиноят содир этган бўлиб, юқорида қайд қилинган қонун талабларига мувофиқ, унга нисбатан асосий жазо билан бирга ЖКнинг 45-моддасини қўллаган ҳолда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазони ҳам тайинлаш талаб этилади.



Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси суди шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497<sup>19</sup>, 497<sup>23</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>29</sup> ва 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2023 йил 6 июндаги С.Ш.Фга нисбатан чиқарган ҳукми ҳамда 2023 йил 7 июндаги ҳукмда юзага келган ноаниқликни бартараф қилиш ҳақидаги ажрими бекор қилинсин ва янги айблов ҳукми чиқарилсин.

С.Ш.Ф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди ва 28,211-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир қилганликда айбли топилсин.

С.Ш.Фга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин; ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан сутканинг кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 6:00 га қадар, яшаш жойи Қарши шаҳар “А.Навоий” МФЙ, Гулмасжид кўчаси, 14-уйдан чиқишини чеклаган ҳолда 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида Ш.С.га узил-кесил 1 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, сутканинг кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 6:00 га қадар, яшаш жойи Қарши шаҳар “А.Навоий” МФЙ, Гулмасжид кўчаси, 14-уйдан чиқишини чеклаган ҳолда 2 йил 1 ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Ш.С.нинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик ва Қашқадарё вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқлар юклатилсин.

ЖК 61-моддасининг 2-қисмига асосан Ш.С.га тайинланган асосий ва қўшимча жазолар алоҳида-алоҳида ижро этилсин.

Жазони ижро этиш Қарши шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси зиммасига юклатилсин ва жазо муддати Ш.С. ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчига нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор линсин ва Қашқадарё вилоят прокуратурасининг “Ипотека-банк” АТИБ шқадарё вилоят филиалидаги 20203000900487257001 ҳисоб рақамига



гаров пули сифатида топширилган 6.000.000 сўм пул маблағи С.Ш.Фга қайтарилсин.

Ашёвий далил - жабрланувчи ва судланувчи ўртасида бўлиб ўтган сўзлашувлар ёзилган бир дона диск ва видеотасвирлар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Протест қаноатлантирилсин. Шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Суд қарорлари устидан тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят бериши, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Б.Турдиев

Ҳайъат судьялари

(имзо)

Ф.Қамбарова

(имзо)

А.Элмуродов

Аслига тўғри:



Раислик қилувчи  
Ҳайъат судьялари

(имзо)  
(имзо)  
(имзо)

Б.Турдиев  
Ф.Қамбарова  
А.Элмуродов

Аслига тўғри:

